

Бугун Москва шаҳрида Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳга бағишланган ўқув тадбири бўлиб ўтди



18:30 / 04.11.2019 4098

Аввал хабар берганимиздек бугун Москва шаҳрида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги Муслмонлар маънавий-маърифий марказида бўлиб ўтган биринчи халқаро диний-маърифий ўқув тадбири бўлиб ўтди.

Ушбу ўқув анжуманида юртимиз вакилларида «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди бош имом-хатиби, «Ҳилол-нашр» матбаа нашриёти ва «islom.uz» портали раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиқ «Нега айнан шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф асарлари?», шунингдек Ўзбекистон Муслмонлари идораси котибият бўлими мудири Муҳаммадайюб Ҳомидов «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

меросининг Ўзбекистон мусулмонлари диний-маънавий ҳаётидаги ўрни», таржимон ва масъул муҳаррир Алишер Алиев «Тафсири Ҳилол»нинг халқаро муносабатлар мувофиқлашувидаги ижтимоий аҳамияти» мавзуларида маърузалар билан иштирок этишди.

Ўқув тадбирида Россия федерациясининг турли ҳудудларидан, хусусан, Москва, Санкт-Петербург, Рязанск, Ярославск, Липецк, Иваново, Тамбовск, Воронеж вилоятлари, Красноярск ўлкаси, Чеченистон, Кабардино-Балкар, Татаристон, Қрим автоном Республикалари вакиллари қатнашди.

Шунингдек, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон Республикалари муфтийлари, идоравий ва жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этишди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти